

«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ақобир Тўхтаев «Таълим ҳомийси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

// 04.01.2025

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/talimhomiyisi>



Президентимиз томонидан мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур деган муҳим ғоя илғари сурилган. «Ўзкимёсаноат» АЖда ҳам ушбу ғояни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳомийлигида Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида жойлашган 19-мактабни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан таълим муассасаларидаги кимё ва биология синф хоналари ҳамда уларнинг лабораторияларини таъмирлаш, жиҳозлаш ва ўқувчилар учун зарур шарт-шароитларни яратиш каби саъй-ҳаракатлар доимий амалга ошириб келинмоқда.

Халқ таълими тизимида кўрсатилаётган эътиборни эътироф этган ҳолда, «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ақобир Тўхтаевга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Таълим ҳомийси» кўкрак нишони топширилди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати